



20²⁰ у. « 12 » август

№ Қ-368

« » 20 г.

**Бандихон тумани “Сайроб” массиви
худудидан “BUNYODKOR QIZIRIQ”
МЧЖга замонавий “Иссиқхона” қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/455-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 22 июндаги 01-05/179-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/455-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Сайроб” массиви худудидан “BUNYODKOR QIZIRIQ” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1189қ-дала контуридаги жами 10,0 гектар, шундан 8,5 гектар яйлов ер, 0,5 гектар йўллар ва 1,0 гектар сув ости ер майдонлари, шундан 1,0 гектарига замонавий “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ва 7,5 гектарига боғ ташкил этиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BUNYODKOR QIZIRIQ” МЧЖ бошлиғи И.Алмановга:

ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев